16 АВГ 1989

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чика бошлаган. ◎ № 185 (6. 974) ◎ 1989 йил 14 август, душанба ◎ Баҳоси 3 тийин



Унинг «Ташэлектромаш» заводида ишлаётганига 17 йилдан ошиб қолди. Зоя Ильинична Волкова моҳир токарь, меҳнат ветеранидир. У ўзаро мусобақада пешқадамлар сафида бормоқда.

Т. Каримов суратлари

**Партия турмуши:** *ҳисобот ва сайловлар*

## Нега қониқарсиз деб баҳоланди?

● Йирик бир корхонанинг иккита партгруппаси иши қониқарсиз баҳоланганлиги ҳақидаги хабар район партия комитетига яшин тезлигида етиб келди. Кўш. коммунистларнинг бу ҳисобот-сайлов йиғилишлари нега қониқарсиз баҳоланди? Бу ўз вазифасига совуққонлик билан қараш ёки партбюронинг сустлашгани оқибати эмасми? Дарвоқе, бошланғич партия ташкилотларида эндигина ўтказила бошланган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳақидаги бундай ноҳуш хабарни корхона раҳбар-коммунистлари қандай изоҳлар экан? В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретарининг ўринбосари А. Ф. Ғанихонов бу ҳолни қуйидагича шарҳлади:

— Ҳеч бир шов-шувга сабаб бўладиган ёки йўқ бунинг, — дейди Абдухамид Фасхиддинович. — Ҳақиқатан ҳам партгруппа ишламаган. Ишламагани учун ҳақ-ли баҳосини олди. Лекин бу ерда яна бир гап бор. Корхонанинг эксплуатация хизмати цехи 200 кишини бирлаштирган йирик коллективлардан ҳисобланади. Табиийки, коммунистларнинг сон жиҳатдан эмас, балки фаолиятининг ўсиб бориши томонидан ҳам бу цех биринчи эди. Шу боисдан партия ташкилоти ўз ичидан иккита партгруппани бирлаштирган бўлиб, ҳар иккала партгруппада сайлаб қўйган етакчилари иш олиб боришди. Орадан кўп ўтмай партия ташкилоти ўз сафларини кенгайтирди. Ҳозир иккала партгруппада коммунистлар сони кескин даражада қисқара борди. Кўпчилиги пенсияга кетди, баъзилари бошқа цехга, хуллас камайиш давом этаверди. Шу, партияга ёш ишчилар қабул қилинмаётгани, цех партбюросига олиб ишга ҳаракат қилишарди. Бунда улар асосан кўпчилик билан ечиш афзал деб ишдилар. Ҳозирги кунга келиб партгруппанинг бирида 9 нафар (икки киши пенсияда) коммунист ҳисобда турибди. Иккинчисида эса 6 нафар (бири пенсияда) коммунист ҳисобда турибди. Ҳисобот-сайловга тўпланган бу коммунистлар ҳамкасбларини цех бошланғич партия ташкилотига бирлаштириб қўйишни, ёки бўлмаётган иккита группага ҳеч қандай ҳожат йўқлигини талаб қилишди ва шундай қарорга келишди. Бу менимча, аслида ҳам бўлиши керак эди. Негаки, бирдан одамлари сон жиҳатдан камайган, унинг устига иш ҳам ўлда-жўлда эди...

Худди билгандек, партком хонасига биз ҳикоя қилаётган цех бошланғич партия ташкилотининг секретари Т. В. Полшина кириб келди. Гап нима устидалигини сезди чоғи, саволимизни пойламай суҳбатимизга қўшилди.

— Шу пайтгача биз ҳамма нарсанинг асл номини яшириб, устини бўяб кўрсатишга уриндик. Шу нарсага ўрганиб қолганимиз учунми, ҳозир асл номини айтсак, шовшувга сабаб бўляпти. Партгруппаларнинг бирига С. Султонов, иккинчисига З. Мухамадзиянов етакчилик қилишади. Нима учун уларнинг иши шундай баҳоланди? Ҳар иккаласи инсон сифатида яхши хислатлар эгаси, ишчи сифатида ўз касбининг моҳири. Турли жамоат топшириқларида фаол эдилар. Ишларида натижа бўлмаётганини ўзлари ҳам тан олишди ва айни пайтда қониқарсиз баҳо ҳаққоний эканини айтишди. Ўтган йили ҳам цехимизда эмас, корхонамизда 7 та партгруппа ўзининг ана шундай баҳосини олган эди. Айтмоқчи эмасман, ҳаммаси шундай бўлиши керак деб. Бу бизда янгилик эмас, ким қандай ишласа, ўшанга қараб ҳаққоний баҳосини олади. Қисқаси, коммунист коммунистдан ишини очиқчасига талаб қилаверади.

**— Шу пайтгача партком йиғилишида заводда мавжуд партгруппаларнинг сони ва сифати кўриб чиқилган экан, Султонов ва Муҳамадзияновлар группаси нега четда қолиб кетди? Ҳисобот-сайловларда коммунистларнинг қарорини кутиш шартмиди?**

— Партгруппалар фаолиятини кўриб чиқанимизда, — дея сўзида давом этди Абдуҳамид Фасхиддинович, — ҳақиқатан кўпчилигини бирлаштиришга тўғри келди. Натижада 306 та партгруппадан 270 таси қолди. Энди бу иккита группага келсак, очиғи йиғилишдан бундай қарорни кутмаган эдик. Ҳа, албатта кутилмаган қарорлар, ечимталаб муаммолар ҳисобот-сайлов йиғилишларида янада очилиб бораверади. Бинобарин, ошкоралик, давримизнинг моҳияти ҳам шуни талаб этмоқда. Бу энди бошқа бошланғич партия ташкилотларида ҳам шундай давом этса нур устига аъло нур бўларди. Ана шунда йўқ ишни бор деб эмас, оқни оқ, қорани қора деб аслини аталига тезроқ кўниккан бўлардик.

**Ф. ҲУСАНОВА.**

## Тонгги газеталарда

⊙ **«СССРнинг чет эллардаги савдо ваколатхоналари ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини тасдиқлаш тўғрисида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни эълон қилинган.**

⊙ **Сўнгги вақтларда ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ва молларни тақсимлашда, ижтимоий масалаларни ҳал этишда, нарх-навони белгилаш ишида қатъий назорат ўрнатиш зарурлиги ҳақида жуда кўп гапирилмоқда. «Известия» газетасининг иккинчи саҳифасидаги «Таъсирчан, халқ назорати» сарлавҳали мақолада газета мухбири СССР Халқ контроли комитетининг раиси Г. В. Колбин билан шу ҳақда суҳбатлашади.**

⊙ **Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, меҳнаткашларнинг редакцияларга йўллаган мактублари, чет эллардан олинган телеграммалар эълон қилинган.**

## Уч юз оила қувончи

● **«АЛГОРИТМ» массивида бир йўла иккита 9 қаватли, ҳар қайсиси 154 квартирали турар-жой бинои фойдаланишга топширилди.**

Бунёдкорлик ишларини 2-уйсозлик комбинатига қарашли 4-монтаж бошқармасининг В. Соломахин етакчилик қилаётган комплекс бригадаси аъзолари олиб боришди. Биноларга мазкур комбинатнинг 2-пардозлаш ишлари бошқармаси сайқалчилари жило беришган.

Бино ташқариси заводда тайёрланган гулли панеллардан тайёрланган бўлиб, массив чиройигачирой қўшиб турибди.

## Машинасоз мутахассислар даргоҳи

● **ЎЗБЕКИСТОН ССР Халқ таълими министрлиги системасида яна бир йирик олий ўқув юрти ташкил топди. Малакали инженер кадрлар тайёрлайдиган бу янги Тошкент машинасозлик институти биринчи сентябрдан толиби илмларни ўз бағрига олади.**

У Тошкент политехника институтининг муайян фанларга доир факультетлари қошида тузилди. Даврнинг янгича талаблари инобатга олиниб, мазкур олий ўқув юрти ўқув-илмий-ишлаб чиқариш тажриба бирлашмаси сифатида фаолият кўрсатадиган бўлди. Шунга кўра, унда кадрлар тайёрланиши уч босқичли система асосида олиб борилади. Бу эса узлуксиз техника таълимини йўлга қўйишда муҳим дадил қадам бўлади. Шу асосда машинасозлик ихтисосига мослаштирилган ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус билим юртлари унинг базасида ягона институт сифатида бирлаштирилади.

**А. АЛИЕВ.**

## Бўлимга совға

● **БУГУНГИ кунда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли онкология ва радиология илмий-текшириш институти бир қатор болалар муассасаларига отаплиқ қилмоқда.** Илмий муассаса кўз касалликлари муолажасини янада яхши йўлга қўйиш мақсадида болалар офтальмология бўлимларини зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш тадбирларини ҳам кўриб қўйди.

Институтнинг онкоофтальмология бўлимига яқинда янги болалар мебеллари тортиқ этилди. Эллик дона бу ёғоч каравотлар кўзнинг онкологик муолажаси бўйича шифо топаётган палаталарга ўрнатилди.

Илмий муассасанинг бу буюртмасини шаҳримизда яқинда иш бошлаган «Зенит» кооперативи сифатли қилиб тайёрлаб берди. Мазкур кооператив шифо маскасининг бошқа буюртмаларини ҳам адо этишга розилик берди.

## Меҳнат гашти

● **ОЛИЙ ўқув юртларида мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда ишлаб чиқариш практикаларининг тутган ўрни катта. Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтида ҳам бу масалага алоҳида аҳамият бериб келинмоқда.** Олий ўқув юрти ҳузурида ўқув локомотив депосининг барпо этилаётгани ҳам айни муддао бўлди.

Айни кунларда ушбу объектда иш қизғин бормоқда. Институт транспортчи-студентлар қурилиш отряди учинчи меҳнат семестрини ҳам ўтиб олишди. Ҳозир улар ўқув корпусининг ички ишларини якунлаш арафасида. Ҳар бир хонага ўзига хос ранг-баранг безак берилмоқда

«Тошкент оқшоми» рейди

**Янги ўқув йили бошланишига саноқли кунлар қолди. Ҳадемай энё масканлари яна ўқувчилар билан тўлади. Ҳозир эса уларнинг ташвиши ота-оналарининг бўйинда. Ахир, бола илм даргоҳига қуруқ қўл билан бор майдн-ку!**

**Фарзанди мактабга борадиган одам борки шу кунларда ҳали кийим-кечак, ҳали ўқув қуролларини изпаш билан овора. Қидирганн топилса хўп-хўп. Аммо топилмаса-чи! Унда нима қилиш керак! Зарур буюмлар савдо расталарида борми, йўқми болага барибир, бу савол унн қизиқтирмайди, қаердан бўлса ҳам топилиши шарт. Ҳа, қийин-қийин каттага қийин. Боламнинг уст-бошини, китоб-дафтарини бут қилай деб бозорма-бозор кезишга мажбур...**

## ТОПИЛГАНИГА РАҲМАТ

ОКТЯБРЬ бозори. Соат ўну ўттиз. Ҳар кунгидек эрталабданоқ одам гавжум. Ҳамма ўз ташвиши билан банд. Бировга у керак, бошқасига бу. «Болалар дунёси» чакана-савдо фирмасининг бош магазини шу кунларда хариднинг энг қайнаган нуқтасига айланган десак муболага бўлмас. Сотувчилар кимга қулоқ солишни билишмайди. Саволлар эса беҳисоб ёғилади:

— Қизлар фартуги борми?

— Йўқ.

— Болалар формаси-чи?

— Уям йўқ.

— Кундалик дафтарлар бордир, ахир?

— У китоб дўконлари ва маданий моллар билан савдо қиладиган магазинларда бўлади.

Шу пайт сотувчидан хафа бўлиб кетасиз. Сўраганларингиз йўқлигига гўё у айбдордек. Лекин начора. Хайрият, портфеллар бўлимида «йўқ» деган жавобни эшитмайсиз. Бир эмас уч-тўрт хили териб ташланган. Нархи беш сўмдан тўққиз сўмгача. Чўнтакка қараб олаверасиз. Фақат сифатидан шикоят қилмайсиз. Борига шукур қилиб кетаверинг. Эртага шулар ҳам қолмаса, унда нима бўлади? Болангизнинг хархашаси ўзингизга маълум.

Бир аёл портфелнинг у ёқ-бу ёғини қараб сотувчи қизга юзланди:

— Синглим, ичамроғи йўқми?

— Йўқ, ҳаммаси шунақа.

— Буни биринчи синфга борадиган ўқувчи қандай кўтаради, — деди «Бирлик» массивида яшовчи М. Ғофурова у ёқ-бу ёғини ағдариб кўриб. — Қаранг ахволини, бир йилга етмай тамом бўлади. Унинг устига олти яшар бола учун қўпол. ...Ношукурчилик эмасу, дидингга ўтиришмаганидан кейин айтасан-да. Мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ишлаб чиқарилаётган портфелларни бир кўринг, қандай бежирим, чиройли.

Топилганига ношукурчилик эмасу... Кишини ўйлатадиган гап. Одамлар сифатига эътибор бермай олишяптими, демак, портфель бозори ҳам тўкин эмас. Ҳалиги аёл тўғри айтган экан. Рейдимиз давомида ҳамма жойда ҳам портфель учратмадик. Наҳотки энди шу нарса камёб номини олса. Қолаверса, оддий мехнаткаш битта боласига 5—7 сўм сарфлаб олиб берганидан кейин кўпга етсин-да. Илгари энг яхши портфель беш сўм бўларди, ҳозир эса энг арзони! Халққа, айниқса болаларга арзон баҳоли моллар етказиб беришни жиддий ўйлаб кўриш зарур.

«Болалар дунёси» чакана-савдо фирмаси директорининг савдо ишлари бўйича ўринбосари Х. Одилова билан суҳбатимиз асосан эҳтиёж ва талаб хусусида бўлди.

— Очиғи, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифати жуда паст. Бу ҳақда кўп гапирилди. Келгуси йилдан киймларни янги моделда ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

— Шу йил апрель ойидан бошлаб фирмамиз товаршунослари уч миллион сўмликдан зиёд мактаб ўқувчилари учун формалар ва ўқув қуроллари жамғаришди. Мақсад Мактаб бозорини ташкил этишда қийинчиликлар туғилмаслиги учун эди. Шундай қилишимизга сабаб республика Енгил саноат министрлиги корхоналари (асосан Чирчиқ тикувчилик фабрикаси) 2—3 йилдан буён буюртмаларимизни бажармай келади. Масалан, 1988 йилда ўғил болалар мактаб формаларига 2 миллион беш юз минг сўмлик буюртма бергандик. Шундан бир миллион саккиз юз минг сўмлик товар олган бўлсак, бу йил яна шунча буюртма бериб, ярмини ҳам ололмадик. Бор-йўғи бир миллион икки юз минг сўмлик кийим беришди. Бу биз талаб қилганимизнинг 48 фоизини ташкил этади, холос. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, халқ талабини қондириб бўладими? Гап ҳозир фақат ўғил болалар кийимлари устида кетяпти. Қизлар фартуги ҳам бир муаммо. Етишмовчиликдан «Резерв» кооперативи билан келишиб 12 минг сўмлик фартук тиктирдик.

Дарвоқе, магазинга кираверишда қўлида фартук ушлаган уч-тўрт аёлга кўзимиз тушганди. Аввалига чайковчилар деб ўйладик. Билсак, қўлда тикиб сотишар экан. Харидор шўрлик қидирганини пештахтадан тополмагач, қиммат бўлса ҳам қўлдан олишга мажбур, начора!

Қизиқ, ҳар йили Мактаб бозори нима учун ташкил этилади ўзи? Ўқувчига керагини топиб бериш учунми ё йўлигами? Бундай дейишимизга сабаб, фирмага буюртма бўйича сотиш учун келтирилган бир миллион сўмлик кийим-кечакларнинг 314 минг сўмлиги эркин бичимда тикилган экан. (Уни мактаб формаси деб бўлмайди). Ўғил болалар мактаб формаси ўртача 19 сўм турса, уларники эса 31 сўм! Буни энди қандай тушунса бўлади?

Иккинчидан, камёб нарса фақат кийим бўлса майлийди, қалам, сиёх ва кундалик дафтарлар ҳам анқонинг уруғи. Бунга нима дейсиз? Омадингиз келиб устидан чиқиб қолмасангиз, топишингиз амри маҳол. Шаҳарда «Мактаб бозори» ёзуви осилган дўкон жуда кўп. Бироқ улардаги таъминот масаласи... Бунинг устига эрта-индин биринчи сентябрь эшик қоқиб турибди.

## ГАП СЕРОБ

МАКТАБ бозорларини айланишда давом этамиз. «Кундалик дафтари китоб дўконлаштиш учун ўн минг дона кундалик дафтар келтирилганди. У нима бўлади, ярим кунда тамом бўлди. Аслида юз минг ҳам кам.

Йўлнинг у томонига — Бош универсал магазини қошидаги Мактаб бозорига ўтамиз. У ерда ҳам оддий ва катта (умумий) дафтар, қора қалам, ўчирғич ва яна бир-икки ўқув қуролидан бошқа ҳеч вақо йўқ. Одамлар ўн икки ва ўн саккиз варақли дафтарлардан юзлаб олишяпти. Тўғри, ҳар ким керагини олади. Шунда «Болалар дунёси» фирмаси директорининг ўринбосари Х. Одилованинг айтганлари ёдимизга тушди.

— Илтимос, шуни ҳам ёзиб кетсангизлар, — деганди у. — Кўриб турибсиз, дафтарлар бор, портфеллар ўтган йилга нисбатан кўп. Лекин харидорлар керагини олишса, етишмовчилик бунчалик даражада бўлмайди. Масалан, биринчи синфларга мўлжалланган дафтар бир ўқувчига кўпи билан беш дона кифоя қиларкан. Атиги беш дона. Ота-оналар эса ундан эллик-юзлаб олишади. Тушунтирсангиз «Пулини тўлаяпмиз-ку», дейишади. Ортиб қолгач ё ташлаб юборишади, ё пистафурушларга ўтказишади. Бу ёқда бошқалар шу дафтардан қидириб юришибди. Ахир ҳар нарсанинг уволи бор-ку!

Ҳадрадан Шайхантоҳурга қадар чўзилган Савдо растасида бор-йўғи икки жойда «Мактаб бозори» ёзувини кўрдик. Оёқ киймларни билан савдо қилувчи шаҳар идорасига қарашли 22-магазин рўпарасига катта қилиб «1 августдан 5 сентябргача мактаб бозори» деб ёзиб қўйилган. Афсуски, бу ер мактаб бозори эканлигидан далолат берувчи ёзувдан бошқа ҳеч нима йўқ. Оддий ҳар кунги савдо. Ўқувчиларга атаб нималар олинган, савдо қандай ташкил этилган деб магазин айланасизу, ишидан қониқмай у ердан чиқиб кетасиз. Хўжакўрсинга иш юритишнинг кимга кераги бор? Қуруқ эълон билан одамлар талабини қондириб бўлмайди. Магазин ва идора раҳбарлари буни унутишганга ўхшайди.

Маданий моллар билан савдо қилувчи шаҳар идорасининг 6 магазинида ҳам кундалик дафтар йўқ. Дафтар, қалам учун навбатда турганларнинг кети узилмайди.

— Ишонсангиз шу билан бешинчи магазинга киришим, кундалик қидириб, — дейди Д. Икромова. — Дўмбироддан келгандим. Уйда эмизикли болам бор. Бир эмас, уч ўғлим мактабга боради. Шуни кўпайтириб қўйишса бўлмайдими? Ўтган йили ҳам тоза сарсон бўлгандим. Қаранг, қанча одам овора. Мана, ўзингиз кўриб турибсизлар. Камчиликлар ҳақида кўп ёзиляпти, натижаси кўринмаяпти. Гапларимни ёзмоқчи бўлсангиз шуни ҳам қўшиб қўйинг.

Нима дердик, ҳақ гап. Ўтиб кетгач, аламдан ҳар қандай она шундай дейиши табиий. Осон гапми, иккита оғир сумка билан иссиқ кунда шаҳар кезиш!

## КИМНИ АЙБЛАШ КЕРАК?

ХУЛЛАС, мактаб формалари ва кундалик дафтар қидириб биз ҳам кўп жойга бордик. Бир жойда йўқ нарсани бошқа ёқдан қидиришнинг ҳожати йўқ экан. Горький номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам ажойиб «Мактаб бозори» ташкил этилган. У ерда турли савдо идоралари дўкончалар очишган. Шаҳарликларга яратилган қулайлик яхши. Аммо барча зарур товарлар билан таъминланган бўлсагина қулайлик дейиш мумкин. Қолаверса 1-Май кўчасидаги ва Фарҳод бозоридаги «Болалар дунёси» магазинларида, шунингдек, Луначарский шоссесидаги «Ўқувчи», Халқлар дўстлиги проспектидаги «Пионер» магазинларида ташкил этилган «Мактаб бозор»ларида ҳам ўғил болалар формаси ва қизлар фартугини кўрмадик. Хўш, нега шундай? Сабабини билиш мақсадида Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигида ҳам бўлдик.

— Шу йилнинг ётти ойи мобайнида болалар ва ёшлар кийимлари ишлаб чиқариш планлари ортиғи билан уддаланган, — деди министр муовини Собитхон Тўхтабоевич Тўхтабоев. — Давлат буюртмаси бўйича болалар тикув киймлари плани 104,3 фоиз, пойабзали 104,7 фоиз қилиб бажарилган. Ёшларга мўлжаллаб ишлаб чиқарилган кийим-кечаклар плани 126,9 фоиз адо этилди. Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикаси ҳам планини 105,4 фоиз бажарди. Шу жумладан болалар пайпоқлари ва трикотаж маҳсулотлари ҳам ортиғи билан тайёрланди.

Ҳа, министрлик бўйича кўрсаткичлар ёмон эмас. Бу соҳадаги планлар оширилиб адо этилган. Яна савол туғилади. Давлат буюртмаси бажарилаётган экан, нега унда савдо расталарида моллар етарли эмас? Қизлар фартугини, умуман йўқ-ку?! Планни бажариш кўпроқ қимматбаҳо киймлар тикиш ҳисобига бўлмаслиги лозим. Ўқувчига арзон, чидамли форма даркор. Агар шундай киймлар кўплаб ишлаб чиқарилганида эди, корхоналар билан савдо ташкилотлари ўртасида узилиш бўлмасди.

Эрта-индин биринчи қўнғироқ чалинади. Лекин жуда кўп ота-оналарнинг кўнгли тинчиган эмас. Боласига керагини бутлаб ололмаса қандай тинчисин? Бу сарсонгарчилик қачонгача давом этади? Бунга ким айбдор? Уйлаймизки, мутасадди ташкилот раҳбарлари аниқ жавоб беришади.

Жавобку беришар. Бироқ форма ва кундалик дафтари қидириб юрганлар унгача нима қилишади?

**«Тошкент оқшоми» рейд бригадаси:**
**Тўлқин РАСУЛЕВ,**
**Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,**
**Рустам ШАРИПОВ.**

# Мактаб бозори кўп-у...





● **Болакай: Дўкон кўплигидан хурсанд бўлгандим. Бекорга қувонибман, сумкам ҳанузгача бўм-бўш.**

● **«Бормни сумкага жойлаб турайликчи...»**

● **«Ҳайрият, бир ташвишдан қутулдим. Энди формасини қаердан топдим!»**



## Нажибуллонинг мухбир билан суҳбати

ҚОБУЛ. Сўнгги совет солдати Афғонистон тупроғидан чиқиб кетганига қарийб олти ой бўлди. Бу давр армиямиз ва умуман мамлакат қуролли кучлари учун оғир синовлар даври бўлди, деди ТАСС мухбири Андрей Грешнов билан суҳбатда Афғонистон Республикаси президенти, Афғонистон Республикаси қуролли кучларининг олий бош қўмондони Нажибулло. Бироқ, улар бу имтиҳондан шараф билан ўтиб, сафларининг мустаҳкамлигини исботладилар. Нанграҳор, Қандаҳор, Забул вилоятларидаги, Ҳост округидаги ва республиканинг бошқа бир қанча районларидаги воқеалар шундан далолат беради. Афғонистон қуролли кучлари, деб таъкидлади Нажибулло, ўн йил ичида олиб борилган қуролли курашда бой тажриба тўпладилар, ўзларининг жанговар қудрати ва маҳоратларини анча оширдилар. Жангга мутлақо шай бўлган армия ташқаридан қўллаб-қувватланаётган муросасиз оппозиция бўлинмаларининг ҳужумларини даф этмоқда ва ватанимизнинг суверенитети, территориал бутунлиги ҳамда сиёсий мустақиллигини ўз кучлари билан ҳимоя қилмоқда. Афғонистон армияси энг замонавий жанговар техника ва қурол-яроғга эга. Бунинг учун, шубҳасиз, Афғонистоннинг самимий ва содиқ дўсти бўлган Совет Иттифоқидан миннатдормиз, у тарихнинг оғир дақиқаларида ўз қўшнисини қулфатда қолдирмади. Биз ўтмишимиз учун ҳам, ҳозирги кунларимиз учун ҳам ундан миннатдормиз.

Қуролли кучларимизнинг юксак жанговарлик қобилияти, деб сўзида давом этди Афғонистон раҳбари, улар ўтинчлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилаётган куч бўлганлиги билан изоҳлади, армиямиз миллий яраш сиёсатини рўёбга чиқаришга йўл бошловчи бўлиб қолди. Шубҳасиз, энг муҳими, у ўз халқининг ҳоҳиш-иродасини ифодалайди. Ҳозирги кунимиз эса ўз навбатида қуролли кучларга ҳар томонлама ёрдам бермоқда. Бу биз кимни бизни ўзимиз танлаган олган ягона тўғри йўлдан Афғонистонда кенг қамровли тинчлик ўрнатиш йўлидан қайтара олмаслигидан далолат беради.

Жаҳоннинг турли мамлакатлари, шу жумладан Америка Қўшма Штатларида муайян кучлар Афғонистон Республикасида афғон можаросини чўзиб, Ливандаги ўхшаш вазиятни вужудга келтиришни хоҳлар эканлар. Покистон ва АҚШ Женева битимлари доирасида ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажариш у ёқда турсин, энг нуфузли халқаро ҳужжатларнинг мазмунини чиппакка чиқариб, уларни деярли оёқости қилдилар.

Суверен давлатнинг ишларига қуролли босқинлик ва хориждан турли ағдаришлашиш миқёслари кенгайтирилаётганда. Лекин бу йўлнинг тамомила истиқболи йўқ, у бора-бора кўчага олиб боради. Узоқ йиллар чўзилиб келаётган қон тўкилишининг олдини-бир аниқ, ягона чора барча мунозарали масалаларни афғонларнинг ўзлари зокаралар йўли билан ечиши, жуда кенг асосдаги коалицион ҳукумат тузишдан иборат, деб таъкидди сўзининг охирида Наж булло.



**ГДР. Республикасининг шимолидаги Нойбранденбург ... га сазовор тарихий ёдгорликлари билан ҳақли равишда ... ланади. Маҳаллий маъмурлар ва таъмирловчиларнинг ... тн билан бу ерда 2.300 метр узунликдаги шаҳарнинг ўрта ... деворн деярлик тўла сақлаб қолинган. Уша пайтларда ... девор мудофаа иншоотларининг бир қисми бўлиб хизмат қилган.**

**АДН—ТАСС сурати.**

## Яқин, Ўрта Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида

✦ АБУ-ДАБИ. Саудия Арабистонининг Бурайда шаҳри госпиталида ноёб операция ўтказилди. Операция чоғида 9 яшар Манал ал-Ражайнинг суғориш қурилмаси ғилдираги қирқиб юборган ўнг қўли қайта уланди. Жарроҳлар қўл суягини пластиналар ёрдамида бирлаштириб, вена ва артерна томирларини, асаб толаларини ва мускул тўқималарини тикдилар. Томирларнинг бир қисмини тиклаш учун қизчанинг белидаги томирлардан олишга тўғри келди. Операция саккиз соат давом этди.

Интенсив терапия курсидан кейин қўл томирларидаги қон айланиши барқарорлашди. Госпитал директори Бакир Муҳаммад Бин Содиқ матбуот вакилларига айтишича, асосий қийинчилик шундан иборат бўлдики, қўл тўқималарининг кўп қисми қаттиқ шикастланган эди.

«Халиж таймс» газетасининг ёзишича, операция қилингандан бери орадан 9 кун ўтди. Ҳозир қизча ўзини яхши ҳис этмоқда.

✦ ИСЛОМОБОД. Покистон ички ишлар министри Айтзаз Ахсан ўз маҳкамаси доирасида «Полиция шафқатсизлик қилган ҳолатларни текшириш бўлими»ни ташкил этиш тўғрисида фармойиш берди. Министрнинг айтишича, кейинги вақтда гуноҳсиз кишилар асоссиз равишда қамоққа олинаётганлиги, қамоққа олиш ва вақтинча ушланганларни сақлаш ... раларда сақлаш чоғида ... лар билан шафқатсиз ... муносабатда бўлинаётга... ги, шунингдек айрим ... ятчиларнинг айбини ... ловчи бевосита далил... лишига қарамай, уларга ... батан тегишли жазо ... ри кўришдан бош тор... ганлиги хусусида шик... кескин кўпайганлиги ... ли шундай қарорга кел...

✦ ДЕҲЛИ. Бомбейлиси узоқ тузилган ... давомида биринчи мар... гил нафас олди. — ... портчилар иш ташлаш ... татдилар ва шаҳарга ... рур моллар ва озиқ... маҳсулотларини олиб ... қайта йўлга қўйилди. ... ги кунларда бундай ... лотлар тақчиллиги ... сезилди. Иш ташлаш ... тети вакилларининг ... раштра бош министри ... рад Павар билан бўлган учрашувидан кейин ... бастовкани тўхтатишга ... қилинди. Бош министр ташловчиларнинг талаб... ни ҳукумат кўриб чиқ... деб ишонтирди.

Иш ташловчиларни ... лаштиришдан асосий ... транспортнинг техник ... ҳолатига ва ҳайдовчи... тайёрлашга нисбатан ... ни янада кучайтириш ... янги қонунни қабул қи... дан ҳукуматнинг воз... шига эришишдан иборат.

(ТАСС)

Меҳнатдан обрў топганлар

## Етакчи

● **Шаҳримиздаги «Геология-қидирув» тажриба эксперименталь заводида кўплаб илғор коллективлар меҳнат қилишади. Улардан бири III даражали Меҳнат шуҳрати орденининг нишондори Саъдулла Маҳсумов бошчилик қилаётган бригададир. Хўш, бригада қўлга киритаётган муваффақиятнинг сири нимада! Бу саволга корхона партия ташкилоти секретари В. Титовка шундай жавоб берди.**

— Кўнгил кўнгилдан сув ичар деганларидек, улар бир-бирларининг муваффақиятларини оширишга, камчиликларини тезда бартараф этишга доимо шай. Зотан улар эришган ютуқларнинг сирларидан бири ҳам ана шунда. Бригадада ўз касбини яхши биладиган мутахассислар жуда кўп. Улар ҳар бир ишда ёшларга намуна. Биргина С. Маҳсумовни олайлик. У 20 йилдан бери шу корхонада меҳнат қилиб келади. Ҳалол меҳнати унга бахт келтирди, номини элга танитди. Оддий ишчиликдан бригадирлик даражасига кўтарилди. Социалистик мусобақа ғолиби, нишондор бригадир жамоат ишларида ҳам актив қатнашади. У бир неча йилдан бери ўзи ишлаётган корхона цехи халқ назоратчиси, касаба союзи етакчиси. Унинг ташаббуси билан Сирдарё соҳилида ҳашар йўли билан корхона ишчилари учун дам олиш зонаси ташкил этилди. Ҳозирги кунда бу дам олиш маскани янада кенгайтирилмоқда. Бу ерда замонавий бассейн, меҳмонхона ва ошхона бунёд этилган.

Саъдулла ака завод партия бюросининг аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда. У коммунистларни ўзаро меҳнат беллашувида намуна кўрсатиб коллективнинг олдинги сафида боришига ундамоқда.

Бригада аъзолари аҳил. Якинда С. Пак касалхонага тушиб қолди. Коллектив унинг ўрнини билдирмади. Кўпчилик ҳар куни бу ишчининг нормасини ҳам бажарди. Бригада аъзолари навбатма-навбат касалхонага бориб туришди. Ҳамкасбларининг аҳволидан хабардор бўлишди. Жонкуяр ва дилкаш коллективнинг самимий ёрдами туфайли бемор тезда оёққа турди. Кўп ўтмай соғайиб, коллектив сафига қайтди.

— Социалистик мажбуриятимизнинг асосий бандларидан бири ҳисобланган меҳнат интизоми ҳамиша диққат марказимизда туради, — дейди бригадир. — Унга ҳамма риоя қилишга мажбур.

Мана шунинг учун ҳам бу коллективдан ҳамма ўрнак олмоқда. Унинг меҳнат кўрсаткичлари ҳам яхши. Ташаббускор коллектив давлат планларини муддатидан олдин бажариш, тежамкорликка ва сифатли маҳсулот тайёрлашга алоҳида эътибор беришмоқда. Социалистик мусобақанинг асосий бандларидан бири ҳам шу. Бригаданинг фикри-зикри ана шу юксак мажбуриятга яраша меҳнат қилишга қаратилган. Бу борада бригада токарларидан А. Абдуллаев, К. Тен, Р. Қўчқоровлар ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар.

**Д. ОБЛАЕВ.**



**Тошкентдаги кўн-галантерея ва спорт буюмларн ишлаб чиқариш бирлашмасининг моделлар уйида бир қанча ёшлар унумли меҳнат қилишмоқда. Уларнинг меҳнатларн туфайли сотувга қўйилаётган буюмларнинг хиллари кўпаймоқда. Модельер Ольга Рогалёва ўзининг сермаҳсул ишн эвазига биринчи тонфадаги уста лавозимини олишга муяссар бўлган. Унинг дугонаси Ранса Алиева эса учинчи разрядли тикувчи-мотористкадир. Уларнинг ҳар бири харидорлар қўлига чиройли ва нафис ишланган турли ашёлар етиб боришн учун жонбозлик кўрсатишади.**

**СУРАТДА: Ольга Рогалёва [чапда] ва Ранса Алиева янги буюм устида иш олиб боришяпти.**

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

## «Қачон тартиб бўлади?»

**«Министр билан мулоқот» рубрикаси остида берилаётган мақолаларда шаҳардаги кўпгина тартибсизликлар, шу жумладан «Қачон тартиб бўлади!» сарлавҳаси остида «Ғалаба» боғидаги айрим тартибсизликлар, безориликлар, участка милиционерларининг ўз ишига совуққонлиги танқид қилинган эди. Редакция ана шу мақола юзасидан жавоб хати олди.**

«Газета мақоласи Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси қошидаги ички соқчилар бошқармаси ротасининг шахсий состави орасида муҳокама қилинди. Кейинги уч йил мобайнида Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига ташриф буюраётган кишилардан бу ердаги безориликлар тўғрисида милиция ходимларига шикоят бўлмаган. «Фурқат» маҳалласида эса ҳақиқатдан ҳам участка милиционери маълум муддат бўлмаган. Участка инспектори Э. Исоқов Қозон шаҳрида икки ой ўқишда бўлган, сўнгра госпиталда даволанган, ундан кейин эса меҳнат отпускасида бўлган. Айни пайтда участка инспектори, милиция лейтенанти Э. Исоқов ҳар куни гражданларни қабул қилмоқда. «Фурқат» маҳалласида тинчликосойишталик.

«Тошкент оқшоми» газетасида эълон қилинган бошқа материаллар ҳам милиция участка инспекторлари иштирокида муҳокама қилинди. Катта участка инспектори, милиция майори Ҳ. Қурбоновга участка пунктини телефонлаштириш ва иссиқлик билан таъминлаш учун чоралар кўриш топширилди. Участка инспектори Э. Исоқов эса ишдаги нуқсонлари учун қаттиқ огоҳлантирилди. Унга аҳоли ўртасида ҳуқуқ-тартибот ишларини кучайтириш топширилди.

**А. АРТЁМЬЕВ,**
**Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги бошқармаси бошлиғи.**

КПСС Марказий Комитетининг партия миллий сиёсати масалаларига бағишлаб ўтказиладиган Пленуми олдидан

# ҚАРДОШЛИК МУШОИРАСИ




## Дўст билан обод уйинг

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон.

Дўст билан обод уйинг,
Гар бўлса у вайрона ҳам,
Дўст қадам қўймас эса,
Вайронадир кошона ҳам.
Интизор ҳар уй қадрдон
Дилкушолар базмига,
Гар оёқ қўйса қабоҳат
Инглагай остона ҳам.
Яхши дўстлар даврасида

Очилурсан ҳар замон,
Кўркни шода ичра топгай
Марварид дурдона ҳам.
Сўрма мендан, ким дилоро,
Дўстмн ё жонона деб,
Дўст менинг кўнглимдадир,
Жонимдадир жонона ҳам.

Қочма ростгўй дўстларнинг
Коҳишу озоридан,
Қадди рост шамнинг тилидан
Ўртанур парвона ҳам.
Дўст қидир, дўст топ жаҳонда,
Дўст юз минг бўлса оз,
Кўп эрур бисёр душман

Бўлса у бир дона ҳам.
Ким сенга ҳамроз эмасдир,
Боғараз деб ўйлама,
Гоҳи душманлик қилурлар
Қўл сиқиб дўстона ҳам.
Дўстн содиқ йўқ экан деб
Ўртаниб куйма ва лек,
Меҳр уйин кенг очсанг
Эркин,
Дўст бўлур бегона ҳам.

Закн НУРИ,
Татаристон.

Лойиқ ШЕРАЛИ,
Тожикистон.

## Ягона оила туйғуси

Ҳар куни кун ботади.
Ўзининг битган-битмаган ишларини эртага қолдиради.
Ҳар куни тонг отади.
Ўзининг янги юмуши, ташвиши, қувончи билан кела-
ётган Қорабоғда яна бетинчлик. Яна миллий низо. Яна
одамлар ўзининг чўққисига чиқди. Ичиб турган чойин-
гиз ҳам вари сурасиз: нима бўляпти ўзи?
Ўзингизнинг яшаётган жойингиздаги аҳвол ҳали ҳам ўз ўрнига тушган эмас.
Ўзингизнинг яшаётган жойингиздаги сел бутун бошли Қоблана қишлоғини ювиб кет-
казганини ҳам эшитгандирсиз. Яна қурбон, яна фожиа. Юрагингизга ларза тушади:
Ватанимиз тинч ва осмони мусаффо, ҳаёт ўз меъёрида, ҳамма ўз ишида, ўз кас-
бида, ўз ўрнида, ҳаммаси ўзининг ҳақиқий ҳаётий турғунлик ҳолатида, ҳаммаси
ўзининг табиий турғунлик ҳолатида, ҳаммаси ўзининг табиий турғунлик ҳолатида,
ҳаммаси ўзининг табиий турғунлик ҳолатида, ҳаммаси ўзининг табиий турғунлик
ҳолатида, ҳаммаси ўзининг табиий турғунлик ҳолатида, ҳаммаси ўзининг табиий
турғунлик ҳолатида, ҳаммаси ўзининг табиий турғунлик ҳолатида, ҳаммаси ўзининг
табиий турғунлик ҳолатида, ҳаммаси ўзининг таби




# Жиноятчиликка қарши кураш барчанинг иши

**Мамлакатда, шу жумладан, республикамиз ва пойтахтимизда жиноятчилик кескин қўпаймоқда. Бу ҳол аҳолини ҳақли равишда ташвишга солмоқда. «Жиноятчиликка қарши курашни қатъиян кучайтириш тўғрисида»ги ССР Олий Советининг қарори эса жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Шуни назарда тутиб бу ҳужжат юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этиб, редакцияга хат йўллаган газетхонларнинг мактублари билан сиз оқшомхонларни таништирамиз.**

## Хатлардан сатрлар

● ССР Олий Советининг «Жиноятчиликка қарши курашни қатъиян кучайтириш тўғрисида» қабул қилган қарорини кенг жамоатчилик ўқиб муҳокама қилмоқда. Ушбу қарор ҳозирги кундаги ўсиб бораётган жиноятга қарши курашда муҳим таянч ҳисобланади. Маълумки, аввалари қандай жиноят содир этилишидан қатъий назар жиноят ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳолда фош қилиниб, жиноятчилар жавобгарликка тортилар эди. Баъзи оғир жиноятлар, айниқса уюштирилган жиноятларнинг салмоқли фоизи уларга қарши курашиш суст лиги, техника воситаларининг етарли даражада эмаслиги оқибатида очилмай қолиб кетгани сир эмас.

Эндиликда жиноятчиликка қарши кураш прокуратура, ички ишлар, давлат хавфсизлиги, суд ва юстиция органларининг раҳбарларидан, ССР халқ депутатларидан (ўша ерда ишловчи) иборат составда тузиладиган муваққат комиссия иш бошлаши муҳим янгиликлардан ҳисобланади ва жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланади, деб ўйлайман.

**А. ҲАСАНОВ,**
**юрисконсульт.**

● Газетада эълон қилинган қарорни оиламиз билан ўқиб чиқдик. Қарор қоғозда қолиб кетмаслиги учун барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар, жамоат ташкилотлари муваққат комитетларининг ишида уларга ҳар томонлама ёрдам беришдан лозим. Мутасадди раҳбарлар эса унинг қандай бажарилишини назорат қилиб боришлари керак.

**Х. НОСИРОВ,**
**ишчи.**

● Ҳозир нима кўп, чўнтак ўғрилари кўп. Улар жамоат транспортларида соддадил кишиларнинг ҳамёнини қоқлаб кетишяпти. Баъзан кўра-била туриб, қўрқоқлик билан бу жиноятга ўзимиз кенг йўл очиб беряпмиз. Қарордаги **«Жиноятчиликка қарши курашда жамоатчилик мададига таянш керак»**, деган жумлалардан ҳар биримиз ибрат олишимиз керак.

**М. ЭРАЛИЕВ,**
**қурувчи.**

**РЕДАКЦИЯДАН: Ўзингиз гувоҳ бўлган жиноятлар, уларни содир этган, шунингдек ўғирланган молларни сотаётган ёки сотиб олаётган шахслар ҳақидаги маълумотларни бизга ёзиб юборасиз, деган умиддамиз.**

Шундай хизмат бор

# Тунги посбонлар

**Идорадан ташқари соқчилик хизмати милицонерларини ҳамкасбларн «Тунги посбонлар» деб аташади. Бу гапда жон бор. Кун бўйи қилинган меҳнатдан сўнг ҳордиқ чиқараётган ҳамшаҳарларимизнинг осойишталигини таъминлаш, шаҳардаги маъмурий хўжалик, ўқув юртларн, илмий муассасалар, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш нуқталарн, маъмурий бинолар ва бошқа кўпдан-кўп объектларни муҳофаза қилиш ана шу тунги посбонларнинг хизмат бурчига киради.**

Шаҳар милициясининг идорадан ташқари соқчилик хизмати ходимларининг асосий қисмини комсомол-ёшлар ташкил қилади. Худди шунинг ўзи бўлинма базаси қошида комсомол-ёшлар коллективларини ташкил этиш ғоясининг пайдо бўлишига хизмат қилди. Шаҳар милицияси сиёсий ишлар бўлими бу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Ҳозирда 16 патруль экипажи комсомол-ёшлардан иборат.

Улар эл тинчи, одамлар тинчи деб тунни бедор ўтказишади. Чунки ҳали эгри йўл билан енгил-елпи ҳаёт кечириш ишқибозлари кам эмас. Бурчни ўташ эса кишидан кўпгина хислатларни талаб этади.

...Милициянинг навбатчилик қисмига хабар келди. Чилонзор массивининг 20-кварталида жойлашган 163-мактабнинг эшигини қандайдир номаълум киши бузиб кирib, давлат мулкини ўғирлаган. Жиноятчининг «иссиқ изидан» йўлга тушган ёш коммунист С. Тарасов ва ВЛКСМ аъзоси Ю. Крупкин экипажи ўта ҳушёрлик кўрсатиб, илгари судланган А. Романовни қўлга олди.

Яна бир мисол. Кечқурун марказлашган кўриқлаш пунктидан хабар олинди. Пистолет ва пичоқ билан қуролланган икки номаълум киши бегона квартирага кириб уйнинг эгасидан тилла тақинчоқлар ва пул талаб қилган. Комсомол-ёшлар экипажи шофёри — милиционерлар М. Абдуллаев ва унинг командири Ю. Раҳмонов воқеа бўлган жойга келишиб, ўз ҳаётларини хавф остига қолдириб, жиноятчилар Прохоров ва Зюбинскийларни қўлга олишди...






Идорадан ташқари соқчилик хизмати милицонерлари фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳамза район идорадан ташқари соқчилик бўлимининг ротаси ҳам район территориясида эл осойишталигини сақлаб келмоқда. Милицонерлар Т. Холмуротов ва Т. Ашуровлар белгиланган маршрут бўйлаб бораётиб, Лисунов кўчасидаги 32-магазин олдида аллақандай шарпани сезишди. Синчиклаб текширилганда, кимдир дўконда касса аппаратини бузаётгани маълум бўлди. «Альфа» исмли хизмат кучуги ёрдамида магазин ичига яшириниб олган ўспиринлар — 97-мактабнинг икки ўқувчиси ушланди. Октябрь район идорадан ташқари соқчилик бўлими ҳузуридаги 2-марказлашган соқчилик пульти ходимлари Себзор массивида тунги соат иккиларда олиб қочилган такси автомашинасига дуч келишди. Катта тезликда келаётган машина рулидаги шахс тўхташ ҳақидаги талабга бўйсунмади. Кўрилган чоралар туфайли машина тўхтатилди. Қочишга уринган олибқочарлар — Одил Исҳоқов ва Николай Шпаненберглар қўлга олинди.

Тунги соат икки яримларда Фрунзе район идорадан ташқари соқчилик бўлимининг марказлашган соқчилик пультида ташвишдан огоҳ этадиган шиша қалпоқча гоҳ ёниб, гоҳ ўча бошлади. Навбатчи Шота Руставели кўчасидаги кафетерийга номаълум кимса кирганини пайқаб, қўлга олиш группасини жўнатди. Иш жойининг тайини бўлмаган В. Руденко кафетерий деразасининг ойнасини синдириб, ўзини ичкарига урган. 150 пачка «Стюардесса» сигарети, бир нечта шоколад, 6 та «Фанта» ичимлигини ўғирлаб, жуфтакни ростламоқчи бўлган пайтда группа қўлига тушди. Милициянинг шу қадар тез етиб келишига кўзи етмаган тунги ўғрининг қонун олдида жавоб беришдан бошқа иложи қолмади.

Гражданларнинг шахсий мулкларини асрашда ҳам милициянинг бу хизмат тури ходимлари фаол иштирок этмоқдалар. Яқинда шаҳар идорадан ташқари соқчилик бошқармаси ҳузуридаги марказлашган соқчилик пульти «Марказ-1» кварталидаги уйнинг квартираларидан бирининг эшиги бузилгани ҳақидаги ташвишли хабарни қабул қилиб олди. Қўлга олиш группаси қимматбаҳо буюмларни ўғирлаш мақсадида квартирага кирган уч киши билан қайтди. Сигнализация 3 март куни тушда Сергели массивидаги уйлардан бирига номаълум шахс кирганини билдирди. Етиб келган милиция наряди квартирада ашёвий далил билан «Главташкентстрой»га қарашли механизация бошқармаси слесари Духанинни ушлади. Эндигина 18 баҳорни қаршилаётган бу йигит квартира эшигини бузиб кириб, «Нива-402» приёмнигини ўғирлаган. Духанин шу куни иккита бошқа квартирани ҳам мўлжалга олди. Бирида уриниши бефойда кетди, лекин иккинчисидан қўл соатлари, кассеталарни ўмарди. Сигнализация воситалари ўрнатилмагани учун мазкур квартираларда содир бўлган воқеадан ҳеч ким хабардор бўлмаган.

**Т. ТОШЕВ.**

**СУРАТЛАРДА: тун оғушидаги шаҳар тинчини сақлаш учун навбатчилигини ўтаётган идорадан ташқари соқчилик ходимлари фаолиятидан лавҳалар.**

**Р. Шарипов суратлари**

Матбуот маркази хабар қилади

# Ташвишли рақамлар

**Матбуотда ССРҒ Олий Советининг «Жиноятчиликка қарши курашни қатъиян кучайтириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Бу бежиз эмас, албатта. Унда таъкидланганидек «мамлакатда жиноятчилик, шу жумладан уюшган жиноятчилик кўпайди. Бу ҳол аҳолини асоссиз равишда ташвишга солмоқда, қайта қуришнинг боришини мушкуллаштирмоқда».**

Бундан шаҳримиз Тошкент ҳам мустасно эмас. Рақамлар ғоят ташвишли. Шу йилнинг ўтган ярим йилида 9108 та жиноят содир бўлган. Бошқача айтганда, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 33,9 фоиз кўп, демакдир.

Одам ўлдириш 49 фоизга, танга жароҳат етказиш 80 фоизга, ўғирлик 83 фоизга, босқинчилик 85,7 фоизга ўсган. Бу жиноятларнинг кўп қисми Куйбишев, Киров ва Чилонзор районларида содир бўлмоқда. Шуниси ташвишлики, жиноят содир этаётган шахслар жабрланувчиларга нисбатан ўта бешафқат бўляптилар.

Шунингдек, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашнинг сусайтириб юборилганлиги сабабли шаҳар кўчаларида ва жамоат жойларида жиноят содир бўлиш ҳоллари кўпайиб боряпти. Шу йилнинг ярим йиллигида шаҳар ҳушёрхоналарига 8960 киши «таъриф» буюрди. Шундан 7163 киши жарима тўлади. 31 та фоҳишахона аниқланди. Спиртли ичимликлар билан чайқовчилик қилаётган 221 ҳолат қайд этилди. 183 киши қўлбола арақ тайёрлаш жараёнида қўлга тушди. Айниқса, шаҳарнинг Куйбишев ва Киров районлари кўчаларида жиноятчилик кўпроқ содир бўлди. Транспорт воситаларини ўғирлаш 126 фоизга ўсди. Автотранспортни олиб қочиш иши 29 фоиз кўпайди. Ҳали очилмаган жиноятлар, яъни ўғирлик 81,5 фоизни ташкил этади. 560 нафар жиноятчи ушланди. Жиноий жавобгарликка тортиш учун қидирилаётганлар бу умумий сонниг 61,1 фоизини ташкил этади.

**Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг матбуот маркази.**

# Огоҳ бўлинг!

**...Кеч соат 8 ларда Полевая кўчасида икки номаълум шахс йўлдан ўтиб кетаётган аёлнинг йўлини тўсиб, унга куч ишлатиб атрофдаги қурилишга судраб келишган ва уни зўрлаб номусига тегишган. Мана шу факт бўйича жиноий иш қўзғатилди. Жиноятчиларни аниқлаш ва ушлаш учун чора кўрилмоқда.**

⊙ 32 ёшли гражданин ўз жонининг зўрлаб номусига тегишда шубҳа қилинмоқда. Аниқланишича, у Куйбишев районида яшовчи туғишган опасиникига меҳмонга келган. Уйда эса опасининг 15 ёшли қизи бўлган, холос. Қиздан онасининг ҳали-вери келмаслигини билган тоғаси қизга тегажоқлик қилган. Қиз қаршилик кўрсатган. Ниҳоят кўзига қон тўлган бу шахс куч ишлатиб мақсадига эришган. Яқинда бу шахс суд олдида жавоб беради.

⊙ Афсуски, кейинги пайтда Тошкент шаҳрида бундай ҳоллар тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Зўрлаб номусига тегиш энг оғир жиноятлардан биридир. Статистика маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида зўрлаб номусга тегиш бўйича 51 та жиноий иш қўзғатилган бўлса, ундан кейинги ўтган вақт ичида эса бу масалада яна 68 та жиноий иш қўзғатилди.

⊙ Айниқса, балоғат ёшига етмаганларга нисбатан бўлаётган жиноий ишлар қаттиқ ташвиш туғдирмоқда. Милициянинг оператив навбатчилик қисмига шаҳардаги ўрта мактаблардан бирининг 8-синф ўқувчисини зўрлаб номусига текканлиги ҳақида маълумот келди. Юнусобод массивида бўлган бу воқеани аниқлашга келган оператив-тергов группаси жабрланувчидан нима бўлганлигини жуда қийинчилик билан аниқлай олди. Одатдагидек, у мактабдан дугонаси билан қайтаётган эди. Уйи олдига келганда улар ажралишади. Қиз лифтга чиқади. Лифт кабинасига номаълум киши киради... У қиз боланинг оғзини беркитиб, уни уйнинг томига олиб чиқиб кетади ва у ерда қизнинг номусига ашаддийларча тегади.

Тезда бу жиноий иш бўйича шубҳа қилинган 1963 йилда туғилган, шофёр бўлиб ишловчи П. қўлга олинади. Аввалига у ўзини қўй оғзидан чўп олмаган қилиб кўрсатади. Аммо фактлар олдида михланиб қолади ва қамоққа олинади.

⊙ Шунингдек, номаълум шахс 1980 йилда туғилган қизга томда каптарларни кўрсатаман деб уни алдаб олиб чиқади. Томга чиққач, куч ишлатиб, унинг номусига тегади. Бу факт бўйича ҳам жиноий иш қўзғатилди. Жиноятчи қидирилмоқда.

**Бу воқеалардан сўнг ўз-ўзидан «Нега энди кўчага чиқиб бўлмайдими, ҳеч кимни уйга меҳмонга чақирмаслик керакми?» деган саволлар туғилиши мумкин. Йўқ, бироқ бундай ҳунук воқеалар тез-тез содир бўлаётган бир пайтда ҳар қандай одам ҳам эҳтиёт бўлмоғи, ўзига талабчанликни оширмоғи керак. Ҳали балоғат ёшига етмаган болаларни ҳам назоратдан эътиборсиз қолдириб бўлмайди.**

**П. ГАЛГАЙ.**

## Қидирув эълон қилинди

**1978 йилда туғилган, Юнусобод массивининг 8-кварталидаги 21-уйининг 31-квартирасида истиқомат қилувчи Евгений Эдуардович Берей қидирилмоқда. У шу йилнинг 3 март куни уйидан кетганича қайтиб келмади.**

Унинг белгилари: бўйи 175—178 сантиметр, сочи қизғишроқ, чап оёғида чандиғи бор. Шу куни қўнғир рангли куртка, кўк жемпер, жинси шим, оёғига эса кулранг этик кийган эди.


**1961 йилда туғилган, Спутник массивининг 1-кварталидаги 20-уйининг 8-квартирасида истиқомат қилган Бахтиёр Мирзабақромович Абдураҳмонов ҳам қидирилмоқда.**

У 1988 йилнинг 16 ноябрь куни уйидан чиқиб кетган ва бошқа қайтиб келмаган.

Унинг белгилари қуйидагича: бўйи 174 сантиметр, елкалари чўккан, буғдойранг, кўзлари қора. Шу куни қора костюм, узун енгли қора кўйлак, кулранг свитер кийиб олган эди.

Бедарак йўқолганлар тўғрисидаги маълумотларни 56-99-10, 58-07-24, 67-72-75 телефонлари орқали маълум қилишингизни сўраймиз.





**Муҳаррир**
**Э. М. ЭРНАЗАРОВ.**



## Реклама ва эълонлар

**ШУ ЕЗДА АЛБАТТА СУЗИШНИ УРГАНИБ ОЛАМАН...**

Аввалига — бассейнда, кейинчалик эса — денгизда. Агар дам бериб шишириладиган ўйинчоқ бўлса, сув юзасида қалқиб туриш жуда осон. Менинг чиройлик, катта ҳалқам бор, бошқа болаларда эса турли хил ўйинчоқлар — оққушлар, тўсинлар, коптоклар, камарлар бор.

Сув бўйида дам олиш пайтида зарур бўлган пуфланадиган ўйинчоқларни «Болалар дунёси» чакана-савдо фирмасининг магазинларидан харид қилишингиз мумкин.

Шу ернинг ўзида мактабгача ёшдаги болалар учун уч ғилдиракли велосипедлар ҳам сотилади.



**«БОЛАЛАР ДУНЕСИ» ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИ.**
**«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.**

**ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!**

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ
**5—6 ёшли болалар учун**
«МАЛИШОҚ»
**пулли эстетик тарбия мактабига**
**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Болаларга қуйидаги фанлардан таълим берилади: **чет тили** (инглиз), **рақс, юриш-туриш этикаси, музика, расм чизиш.**

МАКТАБГА ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 16 ДАН 18.30 ГАЧА 18-ХОНАДА РЎИХАТГА ЁЗИЛИНАДИ.

**Умумий йиғилиш — 1989 йил 27 АВГУСТ СОАТ 12.00 ДА САРОЙНИНГ КАТТА ЗАЛИДА ЎТКАЗИЛАДИ.**

КИРОВ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИНИНГ МАКТАБ-ОШХОНАСИ
**1989 — 1990 ўқув йили учун**
**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

**Машғулотлар группаларнинг комплектлашувига қараб бошланади.**

ҚАБУЛ 1989 ЙИЛ 15 СЕНТЯБРГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ.

Мактаб-ошхона янг яхши ошхоналар, Киров райони кафеларида ишлаш учун 3-разрядли малакали ошпазлар тайёрлайди.

**Ўқиш муддати — 11 ой.**

Ўқишга фақат 8 — 10 синф маълумотига эга бўлган 15 ёшдан 35 ёшгача бўлган қизлар ва аёллар қабул қилинади.

Ўқиш даврида ўқувчилар ўз қийматидаги озиқ-овқат, махсус кийим-бош билан таъминланадилар, шунингдек ойига 54—63 сўм стипендия оладилар.

Мактаб-ошхонани битириб чиққанларга 3-разрядли ошпаз ихтисосини эгаллаганлиги ҳақида диплом берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Киров райони, Тимирязев кўчаси, 28-уй (кадрлар бўлими), соат 9.30 дан 18.00 гача мурожаат қилинсин (19, 89-автобуслар; 3, 22, 23, 29-трамвайлар, 10, 26-маршрутли таксиларнинг «Гидрометцентр» бекати). Телефон — 35-04-44.

ОЛМАЛИҚ ПИВО-АЛКОГОЛСИЗ ИЧИМЛИКЛАР ЗАВОДИ
**янги компрессор цехи қурилиши учун**
**ПУДРАТЧИ ИЗЛАЙДИ**

Компрессор цехи қурилиши ҳужжатлари тайёр.

Мурожаат учун адрес: Олмалиқ шаҳри, Завод кўчаси, 5-уй. Телефонлар — 5-27-28, 4-48-04, 5-23-17.

ТОШКЕНТ АСУ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИ ВА «КОМПЬЮТЕРСЕРВИС» КООПЕРАТИВИ
**қизиққан ташкилотлар, кооперативлар ва аҳолига ўзаро манфаатли асосда куннинг қулай пайтида давлат нархларидан паст баҳоларда**
**ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТАДИ:**

Турли сервислар (примус, фокус ва ҳоказолар) ва программавий воситалар билан бирга ЕС-1033 ЭҲМ ни ижарага беради;

турли маркалардаги шахсий компьютерларни ижарага ва прокатга беради;

замонавий программалаштириш системаларини бошқаришга ўқитади;

юқорида эслатиб ўтилган ЭҲМларда программавий таъминотларни ишлаб чиқади;

ППЭҲМ учун драйзерлар ишлаб чиқади; босма платларни лойиҳалаштиради ва тайёрлаб беради.

Маълумотлар олиш учун телефонлар — 34-23-01, 34-25-83.

**Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг**
«ЭМХО» ЁШЛАР ФИРМАСИ
**инглиз тилини билувчи кишиларни экскурсоводлар, туристик группаларнинг раҳбарларини тайёрлаш**
**пуллик курсларига**
**ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

**Ҳужжатлар соат 9 дан 18.00 гача қабул қилинади.**

Адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, «Правда» газетаси кўчаси, 60-уй, 9-қават, 906-хона. Телефонлар — 78-30-22, 78-32-27.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**«Тошкент» ёғочни қайта ишлаш ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Узстройдревпром» дурадгорлик маҳсулотлари заводи ишининг қайта ташкил этилиши ва бир-бирига қўшилиши муносабати билан**
**«ДЎСТЛИК» ЁҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ТАШКИЛ ТОПДИ**

Даъволар қуйидаги адресда жойлашган «Дўстлик» бирлашмасида қабул қилинади; 700069, Тошкент шаҳри, С. Раҳимов райони, Металлистлар кўчаси, 104 «а» уй. Телефон 48-46-33.

**Кино**

**14 АВГУСТДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:**

**Санъат** саройи — «ИНТИ**ҚИЗ»** (катта зал, 17, 20.00; кичик зал, 18, 20.30).

**Восток** — **«КЕМА»** (18.30, 21.00).

**К. Ерматов** номли — «ЯК**УЗИ»** (тоқ соатларда).

**Қозоғистон** — **«СЕВГИ ДАРДИ»** (17, 18, 20.00).

**Чайка** — **«СЕВГИ ДАРДИ»** (18.30, 21.00).

**Шайхзода** номли — «АЛ**ТИСТ»** (18.30, 20.45).

**Тошкент Советининг 50** йиллиги — **«СЕВГИ ДАРДИ»** (18.30, 21.00).

**Фестиваль** (ёзги) — **«СЕВГИ ДАРДИ»** (21.40).

**Хива** — **«БАЛАНД БУЙЛИ МАЛЛАСОЧ КИШИ»** (21.40).

**15, 16 АВГУСТДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:**

**Санъат** саройи — «ИНТИ**ҚИЗ»** (катта зал, 11, 14, 17, 20.00; кичик зал, 12, 15, 18, 20.30).

**Восток** — **«КЕМА»** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

**К. Ерматов** номли — «ЯК**УЗИ»** (тоқ соатларда).

**Қозоғистон** — **«СЕВГИ ДАРДИ»** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20.00).

**Чайка** — **«СЕВГИ ДАРДИ»** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

**Шайхзода** номли — «АЛ**ТИСТ»** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

**Тошкент Советининг 50** йиллиги — **«СЕВГИ ДАРДИ»** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

**Фестиваль** (ёзги) — **«СЕВГИ ДАРДИ»** (21.40).

**Хива** — **«БАЛАНД БУЙЛИ МАЛЛАСОЧ КИШИ»** (21.40).

**А. Тўқай** кўчасида ичимлик водопровод қурилиши муносабати билан

**1989 ЙИЛ 14 АВГУСТДАН 24 АВГУСТГАЧА**

10 кун муддатга

ҲАММА ТУРДАГИ ТРАМВАЙ СПОРТ ҲАРАКАТИ

**ТЎХТАТИЛАДИ**

**69-автобус маршрутининг ҳаракати** — И. Усмонов номли часи орқали;

**11-троллейбус маршрутининг ҳаракати** — 20-кварталнинг сўнгги пунктидан бошлаб ташкил этилади;

23-ТРОЛЛЕЙБУС МАРШРУТИ ВАҚТИНЧА БЕКОР ҚИТИЛАДИ.

**Справкалар учун телефон — 34-82-98.**

**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг йўловчилар турдаги шаҳар пассажир транспорти ишини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси.**

**ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«УРИКЗОР»** массивининг аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида

**ЯНГИ АВТОБУС МАРШРУТЛАРИ ОЧИЛДИ**

151-АВТОБУС МАРШРУТИ — «Урикзор» массиви — «Уйғур», «Уйғурий», «Навоий» кўчалари — «Пахтакор» метро станцияси» автостанцияси.

156-АВТОБУС МАРШРУТИ — «Урикзор» массиви — «Уйғур», «Уйғурчи», «Зиё Саид», «Генерал Узоқов», «Ниёзов», «Фурқат» кўчалари — «Олтой» бозори».

**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг йўловчилар турдаги шаҳар пассажир транспорти ишини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси.**

Тошкент шаҳар, Чилонзор районидаги 173-ўрта мактаб томонидан **Искандарова Зарифа Фатхуллаевна** номига берилган 734619 номерли йўқолган.

**ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Қашқадарё область, Чироқчи район, 20-техника билим юрти томонидан **Полвонов Панжи Пардаевич** номига берилган А-335498 номерли йўқолган.

**ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Наманган область, Наманган район, 17-ўрта мактаб томонидан **Киргизов Джамбек Эркинович** номига берилган 948086 номерли йўқолган

**ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент область, Ораҳакидзе райони, 1-ўрта мактаб томонидан **Абдалиев Мухаммаджонович** номига берилган 761241 номерли йўқолган

**ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**
**Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.**

**«Тошкент оқшоми»**
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

**РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:** 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона — 32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги — 32-54-19; ижтимоий масала — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32-54-15; «Ташкентская неделя», рекламалар идораси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Яшшанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.

Р. 11884. В.2148. Индекс 64690.